

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Chorsu buyum savdo kompleksi" AJ

Объявление

"CHORSU BUYUM SAVDO KOMPLEKSI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИН ИҒТИСОСИ

«Чорсу буюм савдо комплекси» АЖ Кузатув кенгаши 2019 йил 14 май соат 12-00 да акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Умумий мажлис жамиятнинг маъмурий биносига ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхантахур тумани Зарқайнар кўчаси 1 уй,

Телефон: 712 448 280

Кун тартибига қуйидаги масала киритилган:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.
7. Жамиятдиректори билан тузилган меҳнат шартнома муддатини узайтириш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.
12. Жамиятнинг 2019 йил фаолиятини текшириш учун аудиторини тайинлаш.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг янги тахрирдаги акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низомини тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг янги тахрирдаги Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакиллантириш санаси 2019 йил 18 апрел ҳолатига, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2019 йил 07 май ҳолатига тузилади.

Жамият акциядорлари умумий мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан 2019 йил 08 майдан жамият маъмурий биносида танишишлари мумкин.

ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА АКЦИЯДОРЛАРИГА!

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни янги тахрирда қабул қилиниши муносабати билан ушбу қонуннинг 62-моддасида акциядорларни Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга уларнинг электрон почтасига ҳам юборилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан ўзингизни почта манзилингиз ҳақида жамиятга маълумот тақдим этишингизни сўраймиз.»

18.04.2019

Источник: <https://openinfo.uz/announce/6217/>

Дата: 15.02.2026